

Менинг исмим Собир. Ёш им 38да. Мен туманимиз оилавий поликлиникасида ишлайман. Бир куни бир бегона шахс ўзини беморим Валижоннинг узоқ қариндоши сифатида таништириб, Валижоннинг ташҳиси бўйича маслаҳатлар олганидан сўнг, мендан ёрдам кўрсатишими сўради:

- “Ака, сизга битта илтимос бор. Агар ёрдам қила олсангиз сиздан жуда миннатдор бўлардим”, деди.

Мен ҳам “савоб” бўлсин, яхшилигим тегсин деб унга қулоқ солдим.

- “Акажон, қўлимда ҳозир нақд пулим бор. Агар сизга Валижоннинг аёлини карта рақамини айтсам, банк картангиздан ўша картага 100 минг сўм кўчира оласизми. Валижон бу ерда даволанаётгани учун оиласи пулсиз қолди. Хизмат ҳаққини бераман. Уларга пул жуда зарур эди, пулларни бериб юборишнинг эса менда ҳозир имкони йўқ”, деб вазиятини тушунтириди.

Айни вақтда банк картамда ҳам етарли пул бор эди. У айтганидай пулни кўчириб, ўрнига уни қўлидан нақд пулни олдим. Хизмат ҳаққига келсак ҳеч нарса олмадим, ўзи кетган бўлса комиссия учун мендан 500 сўм кетди.

Бошқа куни Валижоннинг узоқ қариндоши олдимга келиб, яна ёрдам сўради:

- “Собир ака, ўтган сафар роса яхшилигингиз тегди. Бу сафар ҳам ёрдам қилсангиз. Кеча кечги пайт паспортим ва телефонимни ўғирлатиб қўйдим. Ҳужжатларимни тиклашимга маълум вақт кетар экан, уйга қайтиб кетишим учун эса менга пул зарур. Агар паспорtingиз олдингизда бўлса, банкдан мен учун ўз номингизга банк картасини очиб бера оласизми? Кейин менинг қариндошларим ўша банк картасига пул ташлаб беришарди. Ҳавотир олманг, барча комиссион тўловларини тўлаймиз. Сизни рози қиласман. Собир ака, ёрдам беринг илтимос”, деб қолди.

Мен ўйлаб қолдим. Битта банк картасини очиб берсам нима қилипти? Устига-устак пул ҳам ишлаб оларканман. Валижоннинг қариндоши қилган таклифга рози бўлиб, банк мобил иловаси орқали янги карта учун ариза юбордим. Эртаси куни, банк ходимлари картамни келтирганидан сўнг унга янги банк картам пинкодини айтиб, бериб юбордим. “Хизмат”им учун эса 60 минг сўм ишлаб олдим.

Саволлар:

1. Собир ушбу жараёнда қандай хатоларга йўл қўйди?
2. Унинг бундай қарори қандай оқибатларга олиб келиши мумкин?
3. Собир қонун ҳужжатларига асосан банк картаси бўйича қандай мажбуриятларга эга? Унинг мажбуриятлари яна қандай ҳужжатда акс этади?
Жавобингизни асосланг.